


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2021 ЙИЛ – ЁШЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2021 йил 10 июль, № 145 (7925) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## ПРЕЗИДЕНТ ЯНГИ БОҒДАГИ БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИНИ КЎЗДАН КЕЧИРДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 9 июль куни Янги Ўзбекистон боғи ҳудудида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди.**



Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Дунёнинг ривожланган мамлакатлари пойтахтлари нафақат яшаш ва ишлаш учун кенг имконият яратувчи бино ва иншоотлар, балки аҳолининг дам олиши учун қулай маскан бўлган соя-салқин боғлари билан ҳам машҳур. Чунки боғ ва сайилгоҳлар юртга чирой берадиган, ҳаёт сифатини оширадиган омиллардан.

Мамлакатимизда ҳам кейинги йилларда яшил ҳудудларни кенгайтириш ва халқимизнинг мазмунли ҳордиқ чиқариши учун қулай шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Кундан-кун қурилиш кўлами кенгайиб, улкан мегаполисга айланиб бораётган пойтахтимизда бу борадаги ишларнинг аҳамияти, айниқса, муҳим.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Тошкент шаҳри яқинида барпо этилаётган манзарали боғ нафақат истироҳат ва маънавият маскани, балки бир неча минг йиллик буюк давлатчилигимиз тарихини кўрсатадиган мажмуа бўлади.

Жорий йил 1 май куни Янги Ўзбекистон боғига илк кўчатлар ўтқазилиб, кенг кўламли кўкаламзорлаштириш ишлари бошланган эди.

Ўшанда Президентимиз бу боғнинг тарихий-ғоявий аҳамиятини таъкидлаганди. Боиси Мустақиллигимизнинг 30 йиллигига бағишланган "Истиқлол" мажмуаси ҳам шу ерда барпо этилади.

Боғ лойиҳаси ўзбекистонлик ва чет эллик мутахассислар ҳамкорлигида ишлаб чиқилган. Унинг мазмуни миллий давлатчилигимиз тарихи, халқимизнинг бугунги интилишлари ва учинчи Ренессанс мақсадларини ўзида мужассам этади. 104 гектарлик боғнинг умумий кўриниши Ҳаракатлар стратегияси йўналишларига монанд дарахтнинг бешта шохи шаклида бўлади. Бу ерда одамлар табиат қўйнида дам оладиган сўлим ҳудудлар барпо этилади. Каштан, эман, чинор, лола, настарин каби манзарали дарахтлар, буталар ва гуллар экилади.

Бугунги кунда боғда кенг кўламли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. 2 мингдан зиёд қурувчи ва ишчилар, 200 дан ортиқ махсус техникалар жалб қилинган.

Боғ ҳудудида "Истиқлол" мажмуаси қурилмоқда. У Ўзбекистоннинг янги қиёфасини намоён этади. Ҳозирги кунда ушбу улкан иншоотнинг пойдевори қуйилиб, темирдан асоси ясалган.

Президент Шавкат Мирзиёев бу ердаги қурилиш ишларини кўздан кечирди.

Яна бир гектардан зиёд майдонда 5 минг ўринли очиқ амфитеатр барпо этилмоқда. Келгусида бу ерда умумхалқ байрамлари, маданий-маърифий тадбирлар ўтказилади. Мажмуа замонавий ёритиш ва акустика тизимлари билан жиҳозланади. Айни пайтда унинг пойдевори қуйилиб, саҳнанинг темир синчлари ўрнатилган.

Давлатимиз раҳбарига "Истиқлол" мажмуаси ва амфитеатр қурилиши ҳақида маълумот берилди.

Боғда, шунингдек, 6 гектарлик сунъий кўл, спорт майдончалари, болалар ўйингоҳи, сокин ҳудуд ва фавворалар барпо этилади. Бугунги кунда улар қуриладиган майдонлар тайёрланиб, суғориш ва оқова тизимлари барпо этилаётир.

Президентимиз боққа экиладиган манзарали дарахт кўчатларини ҳам кўрди.

Қибрай туманидаги ушбу ҳудудда Олимпия шаҳарчаси, университет, шифохона, савдо ва кўнгилочар масканлар ҳам барпо этилади. Бугунги кунда уларнинг қурилиши бошлаб юборилган.

**ЎзА.**

## СПОРТЧИЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 9 июль куни спорт таълимини ривожлантириш ва олимпия захираларини тайёрлаш масалаларига доир тақдимот билан танишди.**

Бугунги кунда мамлакатимизда 15 та олимпия захиралари коллежи, 344 та спорт мактаби ва 7 та олий спорт маҳорати мактаби фаолият юритмоқда. Уларда 380 минг нафар ёш 100 дан ортиқ спорт тури билан мунтазам шуғулланмоқда.

Сўнгги уч йилда олимпия захиралари коллежлари ўқувчилари халқаро мусобақаларда 723 та, республика турнирларида 10 мингдан зиёд медалларни қўлга киритган. Қарийб 4 минг 500 нафар ўқувчи Ўзбекистон миллий терма жамоаларига қабул қилинган.

Бу соҳани янада ривожлантириш учун спорт таълими муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, мураббийлар малакасини ошириш зарур.

Хусусан, ушбу муассасаларда ишлаётган 14 мингга яқин мураббийларнинг қарийб 6 минг нафари олий маълумотга эга эмас. Шунингдек, жойларда от спорти, замонавий бешкураш, регби, ўқ отиш, камондан отиш, велоспорт, сувга сакраш ва синхрон сузиш бўйича мураббийлар етишмайди.

Тақдимотда спорт таълими тизимини тубдан яхшилаш, замонавий дастур ва методикаларни жорий этиш, муассасаларнинг моддий-техника базасини ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари олимпия захиралари коллежлари ҳамда жисмоний тарбия ва спорт йўналишидаги олий таълим муассасалари инфратузилмасини яхшилаб, спорт таълимини такомиллаштириш, ўқувчи ва талабалар сонини ошириш бўйича топшириқлар берди.

Соҳадаги таълим муассасаларининг Паралимпия бўлимларига 10 фоизгача қўшимча квота ажратилиши ҳамда ота-оналар томонидан тўлов тартиби бекор қилиниши белгиланди. Шунингдек, қизлар учун квотани кўпайтириш орқали Халқаро олимпия қўмитасининг гендер тенгликка доир тамойиллари таъминланади.

Селекция ишларини кучайтириш, бу жараёнда очиқлик ва шаффофликни таъминлаб, коррупция ҳолатларига барҳам бериш бўйича кўрсатмалар берилди. Олимпия захиралари коллежларига ўқувчиларни қабул қилиш, иқтидорли спортчиларни саралаш ва мусобақалар ташкил этиш бўйича электрон платформани ишга тушириш вазифаси қўйилди.

Президентимиз олимпия захиралари коллежларини спорт федерациялари билан узвий боғлаш, иқтидорли ёшларни ўстиришда промоутер, скаут, агент каби мутахассислар фаолиятини кенг қўллаш ва бу йўналишларни ривожлантириш муҳимлигини таъкидлади.

Спортчиларнинг жисмоний, тиббий ва психологик ҳолатини ҳамда фармакологик таъминотини яхшилаш бўйича топшириқлар берилди. Спортчиларни тайёрлаш ва ўқув муассасаларини бошқариш тизимини илмий асосланган равишда ривожлантириш зарурлиги айтилди.

2021/2022 ўқув йилидан бошлаб спорт мактабларида давлат буюртмаси асосида разрядли ва унвонли спортчиларни тайёрлаш йўлга қўйилиши белгиланди.

Мураббийлар етишмаётган спорт турлари бўйича малакали хорижий мутахассисларни жалб қилиш, уларга маҳаллий мураббий ва талабаларни бириктириб, тажрибасини ўрганиш кераклиги қайд этилди.

Спорт таълими муассасаларини қуриш ва таъмирлаш, замонавий жиҳозлар ва спорт адабиётлари билан таъминлаш бўйича ҳам кўрсатмалар берилди.

Олимпия ва Паралимпия ўйинларига тайёргарлик масалаларига ҳам эътибор қаратилди. Спортчиларимиз Япония пойтахти Токио шаҳрида бўлиб ўтадиган ушбу нуфузли мусобақага жами 126 та йўлланмани қўлга киритган.

Давлатимиз раҳбари спортчи ва мураббийларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, яхши натижаларга эришиши учун барча шароитларни яратиш зарурлигини таъкидлади. Шу билан бирга, 2024 йили Францияда бўлиб ўтадиган Олимпия ўйинларига тайёргарликни ҳозирдан бошлаш бўйича кўрсатмалар берди.

**ЎзА.**

## ДУНЁ НИГОҲИ

### «Daily Signal»:

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ВА УНИНГ ИСЛОҲОТЧИЛАР ЖАМОАСИ ИСТИҚБОЛЛИ ҲАРАКАТЛАР РЕЖАСИНИ БЕЛГИЛАБ ОЛГАН

*"Daily Signal" онлайн-нашрида "Heritage Foundation" стратегик тадқиқот институтининг "Ислоҳотчи Ўзбекистон АҚШнинг Марказий Осиёдаги стратегик шеригига айланмоқда" сарлавҳаси остида мақоласи чоп этилди.*

THE DAILY SIGNAL

Мамлакатимизнинг Вашингтонда жойлашган элчихонаси маълумотларига кўра материал Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комиловнинг АҚШга яқинда қилган ташрифи, шунингдек, икки давлат ўртасидаги муносабатларнинг ҳозирги ҳолатига бағишланган.

Муаллифлар — океанортидаги мазкур нуфузли институтнинг директори Терри Миллер ва унинг маслаҳатчиси ҳамда "Иқтисодий эркинлик индекси" тузувчиси Энтони Кимнинг сўзларига кўра, Тошкент ва Вашингтон ўртасидаги алоқалар "стратегик шерикликнинг янги даври"га кирди.

Ўзбекистон ташқи ишлар вазирининг яқинда АҚШга қилган ташрифи ҳам ўзаро ҳамкорликни кенгайтиришга бўлган жиддий интилишни намоён этади.

Ушбу сафар чоғида вазир АҚШ Давлат котиби Энтони Блинкен ва мудофаа вазири Ллойд Остин билан учрашди. Икки томонлама учрашувлар қарашлар кўп жиҳатдан бир-бирига мос келадиган Марказий Осиёдаги минтақавий хавфсизлик масаласига бағишланди.

➡ 2

## МИНТАҚАЛАР ЎРТАСИДА ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ АЛОҚАЛАРНИ ФАОЛЛАШТИРИШ МУҲИМЛИГИ ТАЪКИДЛАНДИ

*Кеча Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Россия Федерациясининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Олег Мальгиновни қабул қилди.*

### Учрашув

Учрашувда икки томонлама сиёсий, иқтисодий ва маданий-гуманитар алоқаларнинг жорий ҳолати ҳамда уларни ривожлантириш истиқболлари, парламентлараро ҳамкорликни кенгайтириш, шунингдек, халқаро парламент тузилмалари доирасидаги ўзаро алоқаларни янада мустаҳкамлаш юзасидан фикр алмашилди.

Таъкидланганидек, икки томонлама сиёсий, иқтисодий ва маданий-гуманитар алоқалар изчил ўсиб бормоқда. Бу икки мамлакат манфаатларига тўлиқ жавоб беради.

Томонлар давлатлараро ҳамкорликнинг амалдаги юқори даражасини мамнуният билан қайд этди ва ўзаро манфаатли барча йўналишдаги яқин алоқаларни янада чуқурлаштиришда қатъий эканликларини таъкидлади.

Мулоқот чоғида парламентлараро ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

➡ 2

### Ватанимиз мустақиллигининг 30 йиллиги олдидан

## ТАРАҚҚИЁТНИНГ ИККИ УСТУНИ



**Бири — кучли иқтисодиёт, иккинчиси — кучли маънавиятдир.**



*Инсон — ҳамма нарсанинг ўлчови. Бу ҳикмат мағзини англамай туриб, бугунги воқеликлар моҳиятини идрок этиш имконсиз. Зеро, инсон ҳаётга фақат кузатувчи бўлиб эмас, фаолият учун келади. Фаолият, фаоллик бор жойда эса ўзгариш, янгиланиш бўлиши табиий.*

*Мана, кейинги йилларда юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар марказида инсон омили турибди. Шу туфайли халқимизнинг нафақат турмуш тарзи, балки дунёқараши, онгу тафаккури ҳам юксалмоқда. Жамиятимизда янгича қадрият ва анъаналар шаклланаётир.*

*Хўш, бунинг амалий натижалари нималарда намоён бўлмоқда?*

### Халқни эзгу ишлар бирлаштиради

Халқаро валюта жамғармаси ва халқаро рейтинг агентликлари таҳлилларига кўра 2020 йилдаги оғир синовларга қарамай, Ўзбекистон дунёнинг саноқли давлатлари қаторида ижобий ўсиш суръатларини сақлаб қолди. Жумладан, мамлакатимиз "Очиқ маълумотларни кузатиш" халқаро индексида 125 поғона кўтарилиб, 44-ўринни эгаллади. "Иқтисодий эркинлик" рейтингида эса 26 ўрин юқорилади. Ўз навбатида, АҚШ Давлат департаменти томонидан Ўзбекистон диний эркинлик соҳасидаги "махсус кузатувдаги давлатлар" рўйхатидан чиқарилди.

Европа Иттифоқи тузилмалари билан яқин ҳамкорликда мамлакатимизга кенгайтирилган савдо преференциялари — "GSP+" тизимини татбиқ этиш бўйича муҳим қадамлар ташлангани ҳам эътирофга лойиқ. Ушбу тизим келгусида мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган 6 мингдан зиёд турдаги маҳсулотларни Европа бозорига бож тўламасдан олиб кириш имконини беради. Бу, ўз навбатида, биргина тўқимачилик маҳсулотларининг йиллик экспортини 300 миллион долларга ошириш учун шароит яратади.

Шунингдек, ўтган йили юртимизнинг халқаро молия бозорларига чиқиш имкониятлари янада яхшиланди, илк бор миллий валютада 2 триллион сўмлик давлат еврооблигациялари паст фоизларда жойлаштирилди.

2020 йил мамлакатимизда 197 та йирик, минглаб кичик ва ўрта корхоналар ҳамда инфратузилма объектлари барпо этилди. Жумладан, "Навоийазот"да аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш комплекси ҳамда азот кислотаси заводи, Муборак, Газли ва Шўртан нефть-газ корхоналарида суюлтирилган газ ишлаб чиқариш қурилмалари, Тошкент металлургия заводи каби йирик қувватлар ишга туширилди. Биргина энергетика соҳасида хорижий инвесторлар билан давлат-хусусий шериклик асосида 6 та янги электр станциясини барпо этиш ишлари бошланди.

➡ 3

«Daily Signal»:

# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ВА УНИНГ ИСЛОҲОТЧИЛАР ЖАМОАСИ ИСТИҚБОЛЛИ ҲАРАКАТЛАР РЕЖАСИНИ БЕЛГИЛАБ ОЛГАН

1

Учрашувлар чоғида Энтони Блинкен ўзаро стратегик шерикликни чуқурлаштириш бўйича амалга оширилаётган ишларга тўхталиб ўтар экан, бу йил икки мамлакат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллиги нишонланаётганини таъкидлади.

Айни чоғда АҚШ Давлат котиби Ўзбекистоннинг минтақавий боғлиқлик бўйича ёндашувини олқишлар экан, бу борада Афғонистон билан сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан мустаҳкам ҳамкорлик олиб борилаётганини эътироф этди. Зеро, бундай яқин алоқалар Марказий ва Жанубий Осиё минтақалари тинчлиги ҳамда фаровонлигига хизмат қилади.

Мақолада Ўзбекистонда самарали давлат бошқаруви йўналишида сезиларли ютуқларга эришилганлиги ҳам таъкидлаб ўтилган. Хусусан, АҚШ Давлат департаментининг одам савдосига қарши курашнинг дунё бўйича ҳолатига бағишланган йиллик маърузасида Ўзбекистоннинг позицияси яхшиланганлиги қайд этилган. Бу мамлакатимиз мажбурий меҳнатнинг олдини олиш бўйича олиб борилаётган саъй-ҳаракатлари яна бир бор тан олинишидир.

Қолаверса, Ўзбекистон Американинг "Heritage Foundation" таҳлил маркази томонидан ҳар йили нашр этиладиган "Иқтисодий эркинлик индекси"да ўз кўрсаткичларини яхшилади. Бугунги кунда Ўзбекистон ушбу рейтингда 178 давлат орасида 108-ўринни эгаллаб турибди ва сўнгги 4 йил ичида 58 поғонага кўтарилди. Ваҳоланки, мамлакатимиз 2016 йилда 166-ўринда эди. 2021 йилги ҳисобда Ўзбекистоннинг умумий баллари 1,1 пунктга ўсди.

Бу, асосан, судларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш мезони билан боғлиқ. Бундан ташқари, ушбу ҳисоботга кўра, Ўзбекистон сўнгги уч йил ичида кўрсаткичларини яхшилаган давлатлар қаторидан ҳам жой олди.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, мамлакатда маъмурий-бюрократик тўсиқларга асосланган иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни кузатилмоқда. Ўзбекистон Президенти ва унинг ислоҳотчилар жамоаси давлат бошқарувини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, иқтисодиётни либераллаштириш, ижтимоий соҳани ривожлантириш ва ташқи сиёсат соҳасида очиқ ва конструктив ташқи сиёсат юритиш бўйича кенг кўламли ҳаракатлар режаси — "Йўл харитаси"ни ишлаб чиқди.

Мақола сўнгида муаллифлар АҚШ расмийларини мамлакат учун ҳар доимгидан ҳам муҳим бўлган Ўзбекистон билан доимий ўзаро алоқалар ғояларига содиқ қолишга чақирган.

Маълумот учун, "Heritage Foundation" таҳлил маркази 1973 йилда асос солинган. У халқаро сиёсат бўйича кенг кўламли изланишлар олиб боради. Марказ энг нуфузли консерватив тадқиқот ташкилотларидан бири сифатида АҚШ сиёсатининг шаклланишига сезиларли таъсир кўрсатмоқда. "Daily Signal" портали эса интернетда маълумот тарқатиш учун 2014 йилда ташкил этилган. Журналнинг ойлик ўқувчилари сони қарийб 1 миллион кишига етади.

**«Халқ сўзи».**

# МИНТАҚАЛАР ЎРТАСИДА ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ АЛОҚАЛАРНИ ФАОЛЛАШТИРИШ МУҲИМЛИГИ ТАЪКИДЛАНДИ

1

Томонлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Россия Федерацияси Федерал Мажлисининг Федерация Кенгаши ўртасидаги ҳамкорлик бўйича парламентлараро комиссиянинг самарали фаолиятини ҳамда иккала мамлакат парламентларининг савдо-иқтисодий, инвестициявий, илмий-техникавий, маданий-гуманитар соҳаларда эришган келишувларни амалиётга татбиқ этиш борасидаги ҳамкорлигини кучайтириш, айни чоғда, минтақалар ўртасида тўғридан-тўғри алоқаларни фаоллаштириш муҳимлигини таъкидлади.

О. Мальгинов Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги ислоҳотлар, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига бўлган очиқлик сиёсатини юксак баҳолади.

**«Халқ сўзи».**

Сенат қўмитасида

# АХБОРОТ СИЁСАТИ ВА ОЧИҚЛИК БОРАСИДАГИ ФАОЛИЯТНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ — ДАВР ТАҚОЗОСИ

*Кеча Олий Мажлис Сенатининг Ахборот сиёсати ва давлат органларида очиқликни таъминлаш масалалари қўмитасининг илк мажлиси бўлиб ўтди. Унда Сенат аъзолари, тегишли вазирлик ҳамда идоралар раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.*

Тадбирда мамлакатимиз Президентининг 2021 йил 16 июндаги Фармонида белгилаб берилган топшириқлар ижроси таҳлил қилинди ҳамда қўмитанинг жорий йил иккинчи ярмига мўлжалланган иш режаси ва экспертлар гуруҳи таркиби тасдиқланди.

Таъкидланганидек, юртимиздаги ўзгариш ҳамда янгиланиш жараёни, олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар мазмун-моҳиятини халқимизга тўғри ва тўлиқ тушунтириш, миллий ахборот маконини холис, асосли маълумотлар билан тўйинтириш зарурати ахборот сиёсати ҳамда очиқликни таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатларни янада фаоллаштиришни тақозо этяпти.

Юқорида таъкидланган Фармон ана шу мақсадга қаратилган бўлиб, у билан очиқ маълумотлар сифатида жойлаштирилиши керак бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар рўйхати, давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида очиқлик даражасини янада ошириш бўйича "Йўл харитаси" тасдиқланди.

Парламент юқори палатасининг Ахборот сиёсати ва давлат органларида очиқликни таъминлаш масалалари қўмитаси ушбу Фармон ижроси доирасида ташкил этилган бўлиб, давлат органлари ҳамда ташкилотлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш соҳасини мувофиқлаштириш ва доимий мониторинг юритиш, ахборот сиёсати ҳамда давлат органларида очиқлик ва ошкораликни таъминлашга оид қонун ҳужжатлари, давлат дастурларининг ижроси устидан тизимли парламент назоратини олиб бориш, жумладан, давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ҳисобот ёки ахборотларини эшитиб бориш унинг асосий вазифалари сифатида белгилаб берилди.

Мажлисда қўмита таркибида соҳа мутахассисларидан иборат, жамоатчилик асосида ишлайдиган экспертлар гуруҳи ҳам шакллантирилди. Гуруҳ аъзоларининг аксарияти мамлакатимиздаги етакчи оммавий ахборот воситалари вакиллари, блогер ва юристлардир. Муҳими, улар қўмита билан бирга ахборот сиёсати, давлат органлари ҳамда ташкилотларида очиқликни таъминлаш соҳасида ҳуқуқий бошқариш тизимининг самарадорлигини таҳлил қилишда илмий-услубий, эксперт-таҳлилий кўмак кўрсатиш, уни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, аҳолини қизиқтирган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий-маърифий, ахборот сиёсатига доир долзарб масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини қўмитага тақдим этиб боради.

Шунингдек, интернет ва ижтимоий тармоқларда кенг муҳокамага сабаб бўлган масалалар юзасидан ўз фикрини мустақил баён этади ҳамда унинг ечимлари юзасидан тавсиялар беради.

Бундан ташқари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарлари ёки ахборот хизматлари раҳбарлари (матбуот котиблари) жамият ҳамда давлат ҳаётининг муҳим масалалари ҳақида оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар, расмий веб-сайтлар ва бошқа ахборот ресурслари орқали, шунингдек, матбуот анжуманлари, брифинглар, медиа саёҳатлар ташкил этиш йўли билан аҳолига мунтазам, тўлиқ ҳамда тезкор равишда ахборот тақдим этиш бўйича таҳлилни олиб боришга кўмаклашади.

Мажлисда қўмитанинг шу йил иккинчи ярмига мўлжалланган иш режаси тасдиқланди.

Кўрилган масалалар бўйича Олий Мажлис Сенати қўмитасининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

# КОРРУПЦИЯ ЖАМИЯТ БАРҚАРОРЛИГИ, ТИНЧЛИГИ ВА ТАРАҚҚИЁТИ УЧУН ТЎСИҚ БЎЛАДИГАН ИЛЛАТ

*Коррупция ҳар қандай жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий, маънавий ҳаётига хавф соладиган, қолаверса, мамлакатнинг барқарорлиги, тинчлиги ва тараққиёти учун тўсиқ бўладиган иллатдир. Шу сабабли кейинги йилларда юртимизда коррупцияга қарши муросасиз муҳитни яратиш, давлат ҳамда жамият бошқарувида бундай ҳолларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.*



## Фикр

Буни 2017 — 2020 йилларда давлат ҳамда жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг муҳим йўналишлари бўйича 132 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат, жумладан, 26 та қонун, Президентнинг 38 та Фармони ва 34 та қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 34 та қарори қабул қилингани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Бу ишларнинг мантиқий давоми сифатида 2021 йил 6 июлда "Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент Фармони қабул қилинди.

Мазкур ҳужжат билан давлат хизматчилари ва амалдорларининг, шунингдек, уларнинг яқин қариндошларининг барча мол-мулки доимий назоратда бўлиши, декларация қилиш, коррупцияга йўл қўйган давлат хизматчиларига жиддий чоралар қўллаш ҳамда "Коррупцияга оид жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган шахсларнинг очиқ электрон реестри" юритилиши белгиланди.

Ушбу реестрга киритилган шахслар келгусида давлат хизматига қабул қилинмайди, улар иштирокидаги тадбиркорлик субъектлари давлат хариди ва давлат-хусусий шериклик битимларида иштирокчи сифатида қатнашиши ҳамда давлат активларини хусусийлаштириш билан боғлиқ тендер ва танлов савдоларида иштирок этиши батамом тақиқлаб қўйилди.

Бундай кескин чоралар қўлланишининг аҳамияти катта. Яъни давлат органлари мансабдор шахслари ўз зиммасига юкланган вазифаларни бажаришда алоҳида масъулиятни ҳис этиб туради, шу орқали мансабдор шахслар суиистеъмолчилигининг олди олинади, давлат органлари фаолияти очиқлиги ва шаффофлиги таъминланади ҳамда давлат бошқаруви тизими самарадорлиги ошади.

Фармонга мувофиқ, коррупция ҳолатларига нисбатан қарши аёвсиз курашиш барча даражадаги давлат органлари раҳбар ва ходимларининг энг устувор вазифаси сифатида белгилаб қўйилди. Жумладан, маҳаллий бюджет маблағларидан фойдаланишдаги коррупциявий хавф-хатарларни бартараф қилиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳамда туман ва шаҳар Кенгашлари мунтазам равишда маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ҳисобидан ажратилган маблағларнинг сарфланишини доимий назорат қилиб боради.

Фармон асосида "Давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкини декларация қилиш тўғрисида"ги, "Манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш тўғрисида"ги ҳамда давлат харидлари, солиқ имтиёзлари, ер ажратиш, давлат активларини хусусийлаштириш соҳаларида манфаатлар тўқнашувига йўл қўйганлик учун жавобгарлик ўрнатишни назарда тутувчи қонун лойиҳалари ишлаб чиқилади. Улар коррупцияга қарши курашишнинг ҳозирги босқичида ғоят долзарб аҳамиятга эга.

Масалан, "Давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкини декларация қилиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасида давлат фуқаролик хизматчилари ҳамда улар оила аъзоларининг даромади, мол-мулки ва харажатларини декларация қилиш тартиби жорий этилиши кўзда тутилмоқда. Унга кўра, давлат фуқаролик хизматчилари ҳар йили ўзи ҳамда оила аъзоларининг даромадлари, мол-мулки ва харажатлари ҳақида декларация топшириши шарт бўлади.

Давлат хизматида манфаатлар тўқнашуви ҳам бугунги кундаги долзарб масалалардан бири. "Манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасида давлат хизматчиларининг бизнес билан шуғулланиши (ёки шуғулланмаслиги) масалалари қамраб олинади.

Мазкур қонуннинг қабул қилиниши натижасида манфаатлар тўқнашуви барвақт аниқланиб, объектив баҳоланади ҳамда олдини олиш бўйича зарур чоралар кўрилишига эришилади.

Шунингдек, Фармонда Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2021-2022 йилларга мўлжалланган давлат дастури тасдиқланиши ва ушбу иллатга қарши босқичма-босқич чора-тадбирлар амалга оширилиши белгиланган.

Умуман олганда, мамлакатимизда коррупцияга қарши кураш тобора изчиллик касб этмоқда. Давлатимиз раҳбари Фармони эса бу борадаги саъй-ҳаракатларимизга янгича суръат бағишлайди. Шу маънода, биз, сенаторлар ҳам бу ҳужжатда белгиланган вазифалар ижросига масъулият билан ёндашсак, жамият тараққиётига ғов бўлаётган коррупция иллатидан тезроқ халос бўламиз.

**Наримон УМАРОВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси.**

# ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСИ

## МАРКАЗИЙ ВА ЖАНУБИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ЯНГИ ТАРИХИДА БУРИЛИШ НУҚТАСИНИ ЯСАШГА ҚОДИР

MARKAZIY VA JANUBIY OSIYO 2021
15-16 IYUL, TOSHKENT

*Маълумки, шу йил 15-16 июль кунлари Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан "Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар" мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтади.*

Кутилаётган тадбир бугунги кунда нафақат миллий матбуотимиз диққат-эътиборида турибди, балки минтақа ва дунё оммавий ахборот воситалари, экспертлар ва сиёсий доиралар нигоҳи ҳам ушбу воқеага қаратилган. Бунинг боиси ушбу юқори даражадаги тадбир икки йирик, шиддат билан ўсаётган ва маданий-тарихий жиҳатдан бир-бирига яқин бўлган минтақаларни умумий иқтисодий келажак ғояси атрофида мустаҳкам жипслаштиришга қаратилган.

Воқеалар ривожининг бундай тус олиши Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатлари учун янги ўсиш нуқталарини вужудга келтириб, минтақалардаги иқтисодий манзарани тубдан ўзгартириб юборади.

Чунки икки минтақа ўртасида ишга солинмаган улкан ҳамкорлик салоҳияти мавжуд. Жумладан, Жанубий Осиё давлатларининг ташқи дунё билан савдо айирбошлаш ҳажми 1,4 триллион АҚШ долларини ташкил этса, Марказий Осиё давлатлари ташқи савдо кўрсаткичларининг умумий ҳажми 170 миллиард долларга яқин. Лекин икки минтақа ўртасидаги маҳсулот айирбошлашнинг умумий ҳажми 6 миллиард долларга етмайди.

Мазкур ҳолат туризм йўналишида ҳам кўзга яққол ташланади. Бунга мисол сифатида Ўзбекистоннинг Жанубий Осиё давлатлари билан сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорлигининг ҳозирги даражасини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Маълумотларга кўра, 2019-2020 йилларда Ўзбекистонга келган Жанубий Осиё сайёҳларининг умумий сони 125 минг кишига етган. Бундай кўрсаткич бу даврда Ўзбекистонга келган туристлар умумий сонининг 1,5 фоизинигина ташкил этади.

Шу ўринда транспорт-транзит йўналиши истиқболли соҳа ҳисобланишини таъкидлаш керак. Амалга оширилиши режалаштирилаётган трансафғон транспорт йўлаги нафақат икки минтақани боғлайди, балки Марказий Осиё мамлакатларига жаҳон бозорларига чиқиш учун қўшимча имкониятларни яратиб беради.

Умуман олганда, маданий, цивилизация ва тарихий муштаракликка асосланган савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация ҳамда сармоявий ҳамкорлик кенг макроминтақавий ҳудудда хавфсизлик ва барқарор ривожланишни таъминлаш учун янги шарт-шароитлар ва улкан имкониятлар яратиши мумкин. Бу эса, ўз навбатида, яқин истиқболда Марказий Осиё давлатлари ҳудуди Жанубий Осиё мамлакатлари учун Евроосиё минтақасининг улкан бозорига чиқишда муҳим бўғин вазифасини бажариши муқаррар.

Бундан ташқари, Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатларини икки минтақадаги барқарорликка таҳдид солаётган хавфларни ҳамкорликда бартараф этиш каби муштарак манфаатлар бирлаштириб туради. Шу маънода, кутилаётган анжуман умумий таҳдидларга қарши биргаликда кураш тизими асосларини барпо этиш учун йўл очиб беради.

Бинобарин, Ўзбекистон ташаббуси Марказий ва Жанубий Осиё давлатлари муносабатларининг янги тарихида бурилиш нуқтасини ясашга қодир, деб бемалол айтиш мумкин.

**Азиз КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти эксперти.**

# ЯНА БИР ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ҚАЙТАРИЛДИ

## ёхуд Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги нима учун ўзига янги ваколатлар олмоқчи?

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги қизғин баҳс-мунозаралар давомида Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси мақсади мавҳум қонун лойиҳасини масъул қўмитага қайтаришни талаб қилди.*

*Бу ўринда гап ялпи мажлисда ЎзХДП фракцияси аъзолари томонидан камчиликлари аниқ кўрсатилиб, муҳокамадан ўтмаган "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси хусусида бормоқда.*

## Очиғини айтганда...

Истеъмолчи ҳуқуқини таъминлаш бугунги кунда, албатта, долзарб аҳамият касб этади. Чунки охирги вақтларда одамларнинг харид қобилияти ортиб, хизматларга эҳтиёж кўпаймоқда. Шу сабабли давлатимиз раҳбари томонидан ушбу масалага алоҳида эътибор қаратилиб, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги фаолияти янада такомиллаштирилиши, унинг ваколатлари оширилишини энг тўғри йўл сифатида эътироф этиш мумкин.

ЎзХДП фракцияси мазкур масала билан боғлиқ қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда кўриб чиқишда қайси жиҳатларга кўпроқ эътибор берди? Нега мазкур ҳужжат қўмитага қайтарилди? Бунга қандай жиддий сабаблар асос бўлди? Мулоҳазаларимизда шу каби саволларга жавоб топишга ҳаракат қиламиз.

— Мажлисга раислик қилувчи Спикер юридик масалани кўтарди ва қонун бўйича танқидий фикрларини билдирди. Жумладан, қонун лойиҳасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи агентликка юридик мақомдаги субъектларга санкция қўллаш ҳуқуқи берилаётгани нотўғри йўл экани таъкидланди. Яъни жамоага жазо қўллаш қонунга зид. 2019 йил 11 сентябрда "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий ва институционал тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент Фармони қабул қилинган, — деди ЎзХДП фракцияси аъзоси Дилбар Мамажонова.

Унга кўра, истеъмолчиларга товарларни (ишларни, хизматларни) яроқлилик муддати, сақлаш ва хизмат кўрсатиш муддатини бузган ҳолда реализация қилиш ҳолати аниқланганда, ўз ваколатлари доирасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолатларини бартараф этиш юзасидан давлат органларига, мулкчилик шаклидан қатъи назар, ташкилот, муассаса ва корхоналарга, шунингдек, якка тартибдаги тадбиркорларга бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар киритиш ҳамда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиши аломатлари аниқланганда материалларни ваколатли органларга, шунингдек, тегишли фаолиятни амалга ошириш учун берилган лицензиянинг (рухсат берувчи ҳужжатларнинг) амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш (бекор қилиш) тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун тегишли органлар ва ташкилотларга юбориш, истеъмолчиларнинг номуайян доираси ҳуқуқларини ва манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, истеъмолчилар ҳуқуқларини бузган шахсларга нисбатан ҳуқуқий таъсир кўрсатиш чораларини қўллаш учун судларга аризалар билан мурожаат қилиш белгилаб берилган.

— Мамлакатимизда кейинги йилларда изчил иқтисодий-ижтимоий ислоҳотлар олиб борилмоқда. Истеъмол бозори ривожланишлар шиддати билан тенг равишда янги кўрсаткичларни ўзида намоён этиб, чакана савдо айланмаси кун сайин ортиб бормоқда. 2020 йилнинг якуни бўйича бу йўналишдаги кўрсаткич 2019 йилдагига нисбатан 103,2 фоиз ўсган. Жорий йилда ҳам мазкур тенденция сақланиб қолмоқда, — деди ЎзХДП фракцияси аъзоси Шарофиддин Назаров. — Шундай бозор ва истеъмолчи ўртасидаги муносабатни мувофиқлаштириш, тартибга солиш ҳамда унинг ҳуқуқий асосини яратиш давр талаби. Таянч нуқта топилдими, демак оддий истеъмолчи бундан манфаат кўра бошлайди.

Хўш, ушбу қонун лойиҳаси давлатимиз раҳбарининг Фармонида белгиланган вазифаларга қанчалик мос келади? Фармонда халқаро ҳамкорлик масалаларига урғу берилган бўлса-да, қонун лойиҳасида бу вазифалардан четлаб ўтилган. Қонунга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар, бизнинг фикримизча, бир ёқлама бўлиб, фақат агентлик манфаатига хизмат қиладиган нормалардан иборат бўлиб кўринади.

Мазкур ташкилот кўпроқ истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги бугунги кун талабидан келиб чиқиб, янгича, замонавий ягона давлат сиёсатининг ишлаб чиқилиши ва унинг амалга оширилишига эътибор қаратиши керак, деб ҳисоблаймиз. Ҳужжатда эса бундай мақсад ўз ифодасини топмаган. Яъни агентлик қандайдир текширувчи, назорат қилувчи, жазо қўлловчи идорага айланиб қолмаслиги керак.

Агентликка берилаётган яна бир ваколат ҳақида тўхталиб ўтиш зарур. Эндиликда, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилиши фактлари мавжуд бўлган тақдирда тадбиркорлик субъектларида (молиявий-хўжалик фаолиятига аралашган ҳолда) текширув ишларини ўтказиш ваколати агентликка берилиши кўзда тутилмоқда.

— Қонун лойиҳасининг 1-моддаси 10-бандида эса, яъни "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 27-моддасига ўзгартириш киритиш орқали, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлигига тадбиркорларга нисбатан молиявий санкция қўллаш бўйича катта ваколатлар берилмоқда, — деди ЎзХДП фракцияси аъзоси Шербек Бўронов. — Агентликка бундай катта ваколатларнинг берилиши келгусида коррупция ҳолатларини келтириб чиқариши мумкин. Ушбу ваколатлар берилиши фуқаролар манфаатига эмас, балки фақат агентлик манфаатига хизмат қиладиган нормалардан иборат бўлиб кўринади. Биз бу ерда қонун лойиҳасини тайёрлаган ташкилотнинг ўз манфаатлари йўлида "лоббизм" қилаётганининг гувоҳи бўляпмиз.

Бундай ҳолатлар амалиётда қандай вазиятларга олиб келиши мумкин? Албатта, бу коррупциявий ҳолатни келтириб чиқаради. Қайси "критерий"лар асосида қонунчиликни бузиш факти тан олинади? Бунга жавоб йўқ. Яъни агентлик истеъмолчи ҳуқуқини ҳимоя қилиш ўрнига, товар ишлаб чиқарувчи, сотувчи, хизмат кўрсатувчининг текширувчисига айланиб қолмоқда.

— Таклиф этилаётган молиявий санкциялар ҳам умуман "абсурд" ёки тушунарсиз. Келинг, яна бир таҳлил қилиб кўрайлик, — деди ЎзХДП фракцияси аъзоси Фирдавс Шарипов. — Хусусан, таклиф этилаётган нормага кўра истеъмолчига мақбул сифатли товарларни алмаштириб бериш, нуқсонли товарни алмаштириш ва товар нуқсонларини бепул бартараф этиш тартибини бузганлик учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 баравари миқдорида молиявий санкция юридик шахс бўлган ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи)га қўлланилар экан. Бу нима дегани? Аввало, юқорида айтилган "тартиб" ўзи борми? Агар бўлса, бугунги талабга жавоб берадими? Тартиб бор, деб ҳисоблайлик. Бу тартибни ким бузади? Албатта, мансабдор шахс ёки фуқаро бузади. Шундай экан, ҳуқуқбузарлик субъекти бўлган мансабдор шахсга ёки фуқарога маъмурий, интизомий жазоларни қўллайлик. Нега энди хўжалик юритувчи субъект, яъни юридик шахс жавоб бериши керак? Корхонада бошқалар ҳам ишлайди, нима учун уларнинг манфаатини бузишимиз керак?

Лойиҳада камчиликлар бир-бирини етаклаб келаверади. Масалан, Президент Фармонида эътиборга олинган реклама соҳасида ягона давлат сиёсати, АКТнинг илғор тизимларини жорий этиш, истеъмолчиларнинг саводхонлигини ошириш каби муҳим йўналишлар мазкур ҳужжатда ўз аксини топмаган ва ҳоказо.

Умуман олганда, амалдаги қонунни концептуал қайта кўриш лозим, балки мутлақо янги қонун қабул қилиш керакдир... Сабаби, амалдаги қонун 1996 йилда қабул қилинган бўлиб, ҳозирги кунда унинг нормалари эскирган, бугунги кун талабига жавоб бермайди.

**Мунисхон КАРИМОВА**
**(«Халқ сўзи»).**

# МУҲОКАМА ОНЛАЙН ТАРЗДА ЎТДИ

*Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссия, Олий Мажлис Сенати Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси ҳамда Сенат ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари иштирокида* ***2021 — 2026 йилларда Ўзбекистон Республикасида хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш ҳамда зўравонликнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар дастури*** *лойиҳасининг онлайн муҳокамаси бўлиб ўтди.*

## Тадбир

Мазкур дастур Ўзбекистон Республикаси Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссияси томонидан БМТ Аҳолишунослик жамғармасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси кўмагида ишлаб чиқилган бўлиб, унда истиқболдаги беш йилда хотин-қизларга нисбатан зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш, зўравонлик жабрланувчилари ва уни содир этган шахслар билан олиб бориладиган реабилитация ишлари, зўравонлик содир қилишга мойил бўлган шахслар билан профилактик ишлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар қамраб олинмоқда.

Онлайн муҳокама икки қисмдан иборат бўлди. Биринчи қисмда экспертлар томонидан дастур лойиҳасининг тақдимоти ўтказилган бўлса, кейингисида тадбир иштирокчилари томонидан муҳокамалар олиб борилиб, уларнинг таклиф ва мулоҳазалари эшитилди.

Якунда дастур лойиҳаси вазирлик ва идоралар вакиллари томонидан билдирилган таклифлар асосида янада такомиллаштирилганидан сўнг қайта муҳокама қилинишига келишиб олинди.

**«Халқ сўзи».**

# ТАРАҚҚИЁТНИНГ ИККИ УСТУНИ



## Бири — кучли иқтисодиёт, иккинчиси — кучли маънавиятдир.



1 Уларнинг умумий қиймати 2 миллиард АҚШ долларига тенг бўлиб, 2 минг 700 мегаватт қувватга эга.

Тошкент шаҳрида 2 та метро станцияси ва илк бор 18 километрлик ер усти метроси фойдаланишга топширилди. Бу йил яна 2 та тезюрар поезд ҳаракати йўлга қўйилади. Бухоро — Урганч — Хива темир йўлини электрлаштириш ишлари бошланади. Тошкент шаҳрида ер усти метросининг 12 километрлик узунликдаги иккинчи босқичи фойдаланишга топширилади, шу тариқа ер ости ҳамда ер усти метро линиялари яхлит тизим сифатида бир-бирига уланади. Қашқадарёда эса қиймати 3 миллиард 600 миллион долларга тенг бўлган, йилига 1,5 миллион тонна керосин, дизель ёнилғиси ва суюлтирилган газ ишлаб чиқарадиган мажмуа тўлиқ маҳсулот бера бошлайди.

Президентимиз ўтган йил ниҳоясида Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида 2020 йилда эришилган шу каби энг асосий кўрсаткичларга тўхталар экан, 2021 йилда бундан-да юксак марраларни забт этиш учун барчамиз "Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!" деган ягона мақсад атрофида бирлашишимиз зарурлигини алоҳида қайд этди.

### «Тириклик ҳикматини соғликда, деб билгин»

Бугун дунё пандемиянинг янги тўлқини билан курашмоқда. Ўз навбатида, кўринмас вируснинг оғир асоратлари кўплаб мамлакатларда ҳаёт маромини издан чиқариб, иқтисодиётини "тиз чўктириб" қўйгани ҳам ҳақиқат. Шундай оғир ҳамда мураккаб вазиятда мавжуд хавф-хатарларни ҳушёрлик ва огоҳлик ҳамда оқилона саъй-ҳаракатлар билангина енгиш мумкин. Давлатимиз раҳбари айни шу масала ечими ҳақида сўз юритар экан, буюк аждодимиз Имом Мотуридий ҳазратларининг "Тириклик ҳикматини соғликда, деб билгин", деган ҳикматини бежиз эсга олмади.

Шундай экан, мавжуд имконият ва салоҳиятимиз, пандемия даврида орттирган тажрибамиз ҳамда хориждаги илғор ютуқлардан фойдаланиб, аҳоли саломатлигини асраш ва мустаҳкамлаш борасидаги туб ислоҳотларимизни янги босқичга кўтаришимиз шарт.

Президентимиз томонидан илгари сурилган учинчи Ренессанс пойдеворини барпо қилиш ташаббуси эса кўзлаган марраларни забт этишимизда йўлчи юлдуз вазифасини ўтайди. "Янги Ўзбекистон — мактаб остонасидан, таълим-тарбия тизимидан бошланади", деган ҳаётбахш ғоя асосида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ҳам бу борада дастуриламал бўлаётир. Давлатимиз раҳбари 2021 йилга "Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили" деб ном беришни таклиф қилганида ана шу мақсадни кўзлагани аниқ.

Қаранг, 2021 йилда ҳам коронавирус пандемиясига қарши кураш тизимли равишда давом эттирилиб, Давлат бюджетидан 3 триллион сўм захира шакллантирилди. Бу маблағлар ҳисобидан аҳолини COVID-19 га қарши эмлаш тадбирлари ҳам амалга оширилмоқда. Айни чоғда санитария-эпидемиология хизмати сифатини ошириш, унинг моддий-техника базасини яхшилаш ва замонавий лабораториялар ташкил этишга 200 миллион доллар сарфланади.

Она ва бола саломатлиги йўлида 2021 йилдан бошлаб 15 ёшгача бўлган болалар ҳамда ҳомиладор аёлларга 7 турдаги витаминлар, болалар учун паразитар касалликларга қарши дори воситалари бепул берилмоқда. Тиббиёт бирламчи бўғинини кучайтириш, айниқса, қишлоқ ва маҳаллаларда тиббий хизмат сифатини кучайтириш чоралари кўриляпти. Умумий амалиёт шифокори ўрнига оилавий шифокор ҳамда унга ёрдамчи сифатида 5 нафар ўрта тиббиёт ходимидан иборат "тиббий бригадалар" ташкил этилаётир. Шунингдек, "Қишлоқ шифокори" дастури доирасида иш бошлайдиган мингдан зиёд врачларга 30 миллион сўмдан ёрдам пули берилиши ҳамда улар хизмат уйлари билан таъминланиши кўзланган.

Бундан ташқари, 70 та жисмоний тарбия ва спорт муассасаси, 16 мингта боғча ҳамда мактабни спорт жиҳозлари билан таъминлашга 100 миллиард сўм ажратилди. Барча туман марказлари ва шаҳарларда махсус пиёдалар ҳамда велосипед йўлаклари қурилади...

> *Агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи — маънавиятдир, — дейди бу ҳаётий ҳақиқатни чуқур англаган Ўзбекистон раҳбари Шавкат Мирзиёев. — Биз янги Ўзбекистонни барпо этишда ана шу иккита мустаҳкам устунга, яъни бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодиётга ҳамда аждодларимизнинг бой мероси, миллий ва умуминсоний қадриятларга асосланган кучли маънавиятга таянамиз.*

### Болангиз боғчага борадими?

"Бола бошидан", деган ҳикмат бугун ҳам эскирмаган. Хусусан, 3 — 6 ёш — тафаккур, ахлоқий-эстетик хислатлар шаклланадиган, жисмоний фаоллик ошадиган давр. Юртимизда ушбу ёшдаги ҳар бир ўғил-қизни боғчага тўлиқ жалб қилиш масаласи кун тартибига чиққанининг боиси шунда.

Масалан, 2021 йил якуни билан мактабгача таълим қамрови 65 фоизга, 2023 йил охирида эса 75 фоизга етказилиши прогноз қилинди. Бу ишларга бюджетдан 600 миллиард сўм субсидия берилиши ҳисобидан қўшимча равишда 2 мингта нодавлат боғча ташкил этилиб, хусусий сектор улуши 25 фоизга етказилади.

Шунингдек, 2021 йилда мактабга тайёрлашнинг бепул тизими билан 560 минг нафар 6 ёшли бола қамраб олинади. Бу 82 фоиз кўрсаткич, дегани. Айниқса, узоқ қишлоқларда мактабгача таълимнинг муқобил шакллари янада кенгайтирилади. Бунда ЮНИСЕФ ҳамда Жаҳон банки билан ҳамкорликда имконияти чекланган болалар учун мактабгача таълимни уйда бериш модели ҳам йўлга қўйилади.

Болаларнинг таҳлилий ва креатив фикрлаш қобилиятини ривожлантириш учун сермазмун ҳамда тушунарли дарсликлар яратиш зарур. 2021 ўқув йилидан бошлаб бошланғич синфларда давлат таълим стандарти ўрнига, илғор хорижий тажриба асосида, болага ортиқча юклама бермайдиган "Миллий ўқув дастури" жорий этилиши белгилаб берилди.

Умумтаълим мактабларидаги таълим сифати пойтахтда ҳам, олис қишлоқларда ҳам юқори бўлиши шарт. Бунинг учун чекка ҳудудларда умумтаълим муассасаларини малакали кадрлар билан таъминлаш, таълим сифатини яхшилаш бўйича алоҳида дастур амалга оширилади.

Шунингдек, ҳудудларда хусусий мактаблар фаолиятини рағбатлантириш учун бюджетдан субсидиялар ажратилади. Ёшларнинг иқтидори ва салоҳиятини тўғри йўналтиришга қаратилган узлуксиз тизим яратилади. Шу билан бирга, 2021 йилда мамлакатимизда 10 та Президент мактаби, кимё-биология, математика, ахборот технологияларига ихтисослаштирилган 197 та мактаб фаолият бошлайди.

### Аълочи қизлар учун махсус стипендия жорий этилади

Ҳар бир ота-она келгусида фарзанди олий маълумот эгаси бўлишини хоҳлайди. Чунки глобаллашув даврида билим ва салоҳият — энг қимматбаҳо капитал. Аммо таълим ҳам маълум сармояни талаб қилади. Бундай вазиятда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари қандай йўл тутиши керак? Зеро, уларнинг олий таълимдан бебаҳра қолиши адолат мезонига тўғри келмайди. Айниқса, давлат бош ислоҳотчи сифатида намоён бўлган, бағрикенглик сиёсати устувор Ўзбекистонда!

Шу боис Президентимиз юртимизда олий таълим сифати билан бирга, қамровини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратяпти. 2021 йилдан бошлаб олий таълимга ажратиладиган давлат грантлари сони камида 25 фоизга оширилиши бунинг тасдиғи. Бундан ташқари, олий ўқув юртларига қабул қилишда эҳтиёжманд оилалар қизлари учун грантлар сони икки баробар кўпайтирилиб, 2 мингтага етказилиши ҳам тарихий воқелик.

Ҳозирги вақтда ёшлар энг нуфузли олий таълим даргоҳларига кириш учун интилади, лекин олий ўқув юртлари ўртасида билимли ва иқтидорли ёшларни жалб қилиш бўйича рақобат йўқ. Шу сабабли, хусусий таълим муассасаларига ҳам зарур мутахассисларни тайёрлаш бўйича давлат буюртмаси бериш тизими йўлга қўйилади. Олийгоҳлар ҳамда таълим тизимининг қуйи бўғинлари ўртасидаги узвийликни кучайтириш мақсадида 65 та академик лицей университет ва институтлар тасарруфига ўтказилади.

Шунингдек, 187 та техникум ҳам ўз йўналиши бўйича турдош олийгоҳ ва тармоқ корхоналарига бириктирилади. Нуфузли хорижий университетлар, илмий ҳамда инновацион марказлар билан алоқаларни кучайтириш, улар билан кадрлар тайёрлаш бўйича ҳамкорлик йўлга қўйилади.

Шу муносабат билан 2021 йилда "Эл-юрт умиди" жамғармаси орқали етакчи хорижий олий ўқув юртларининг магистратура ва докторантурасида ўқишга юбориладиган ёшлар сони 5 баробар оширилади. Бу дастур орқали илк бор бакалавр йўналишида чет элларга 100 нафар ўғил-қиз юборилиб, кейинги йилларда улар сони 2-3 баробар кўпайтирилади.

### Сертификат олганларга имтиёз бор

Илм-фан ва инновация — тараққиёт пойдевори. Шундан келиб чиқиб, жорий йилда олий ўқув юртлари ва илмий ташкилотлардаги докторантлар сони 4,5 мингтага етказилиб, 2017 йилдагига нисбатан уч баробар оширилиши ижобий кўрсаткичдир. Ушбу мақсадлар учун бюджетдан қўшимча 240 миллиард сўм ажратилади. Илғор халқаро амалиёт асосида доцент ҳамда профессор илмий унвонлари, фалсафа ва фан доктори илмий даражаларини бериш ваколати ўз йўналиши бўйича нуфузли бўлган олийгоҳларнинг илмий кенгашларига ўтказилади.

2020 йилда илк бор математика, кимё-биология ҳамда геология фанлари таълим ва илмнинг устувор йўналиши сифатида белгиланиб, уларни комплекс ривожлантириш чоралари кўрилганидан хабарингиз бор. Жумладан, 98 та ихтисослаштирилган мактаб ҳамда Геология фанлари университети ташкил этилди.

Ўз навбатида, иқтидорли ўғил-қизларимизнинг юқори технологиялар ва билимларни чуқур ўзлаштиришига кенг шароит яратиш ҳамда рақобатбардош миллий кадрлар авлодини тайёрлаш мақсадида Тошкент шаҳрида "Янги Ўзбекистон" университетига асос солинди. Ушбу муассасага чет эллик етакчи олимлар ҳамда профессор-ўқитувчилар жалб қилиниб, ёшларга энг замонавий дастурлар асосида таълим-тарбия берилиши истиқболда ўз самарасини кўрсатишига ишонамиз.

Яна бир муҳим масала. Яқинда ўтказилган ижтимоий сўровлар аксарият йигит-қизларимизда ижобий мотивация, бизнес соҳасида зарур билим ва малака етишмаслигини кўрсатди. Демак, уларга тадбиркорлик асосларини ўргатишга қаратилган ишларимизни янада кучайтиришимиз лозим. Шуни инобатга олиб, тижорат банкларидан бири тадбиркорликка ўқиб, сертификат олган ёшларга 3 йил имтиёзли давр билан 7 йил муддатга микрокредитлар беришни йўлга қўйди. Жумладан, молия муассасаси томонидан ушбу мақсадлар учун жорий йилда 45 миллион долларлик микросармоялар ажратилиши белгиланган.

### Тафаккур тарбияси доимий эътиборда

Иқтисодий муносабатларда маънавият масаласи ҳам етарлича ҳисобга олиниши зарур. Акс ҳолда жамиятда даставвал ахлоқий муносабатларга путур етади, ўзаро ишончсизлик кучаяди. Бора-бора ижтимоий-иқтисодий таназзул юзага келиши мумкин.

Баъзилар эркин бозор иқтисодиёти шароитида маънавий-маърифий ва ахлоқий қадриятларнинг қиммати тушиб кетади, улар иккинчи даражали масалага айланиб, маънавий қашшоқлик авж олади, дея даъво қилишади. Бироқ эркин бозор иқтисодиёти билан маънавиятни бундай қарама-қарши қўйиш мутлақо ўринсиз. Аслида, улар бир-бирини тўлдиради. Чунки фақат маънавий соғлом жамиятгина кучли ислоҳотларни амалга оширишга қодир.

"Агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи — маънавиятдир, — дейди бу ҳаётий ҳақиқатни чуқур англаган Ўзбекистон раҳбари Шавкат Мирзиёев. — Биз янги Ўзбекистонни барпо этишда ана шу иккита мустаҳкам устунга, яъни бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодиётга ҳамда аждодларимизнинг бой мероси, миллий ва умуминсоний қадриятларга асосланган кучли маънавиятга таянамиз".

Чиндан ҳам, мамлакатимиздаги туб ўзгаришлар мазмун-моҳиятига миллий ғоя ва ўзбекона қадриятлар асосида ёндашилиши туфайли юртдошларимиз ўзлиги, миллий ғурури, Ватан тушунчасини янада теранроқ англай бошлади.

Лекин миллий ғоя моҳиятини тўлиқ англаб етмаган, эски мафкурани тасаввур қилиб, бунга юзаки қарайдиганлар ҳам йўқ эмас. Шу боис давлатимиз етакчиси 2021 йилнинг 19 январида ўтказилган маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигини кучайтириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилишидаги нутқида мамлакатимиз мафкурасининг асосий ғоясини таъкидлаб ўтди: ***"Биз барпо этаётган янги Ўзбекистоннинг миллий ғояси инсонпарварлик, эзгулик ва бунёдкорлик ғояси бўлади"***.

### Бепарволик — энг ёмон одат

Бугун дунёда кескин кураш ва рақобат муҳити ҳукмрон. Манфаатлар тўқнашуви кучайгандан кучаймоқда. Глобаллашув жараёнлари инсоният учун беқиёс янги имкониятларни тақдим этиш баробарида, ўткир муаммоларни ҳам юзага чиқараётир.

Бошқа томондан терроризм, экстремизм, одам савдоси, наркотрафик трансмиллий ва кибержиноятчилик каби хатарлар ҳар томондан хавф солаётир. Ҳатто баъзи ҳудудларда атайин беқарорлик юзага келтирилиб, норозилик кайфияти авж олдирилмоқда.

Бундай таҳликали вазиятда ҳушёр ва огоҳ бўлиб, халқимиз тинчлиги, мамлакатимиз манфаатларини ўйлаб яшаш — энг тўғри ҳамда оқилона йўл. Зотан, давлатимиз раҳбари лоқайдлик ва бепарволик энг катта хавф экани, бугун учраётган ижтимоий муаммоларни камайтириш учун нуронийлар тарбияси, жамоатчилик назорати етишмаётганини бежиз таъкидлагани йўқ.

Шунинг учун Республика Маънавият ва маърифат маркази ишини танқидий ўрганиб чиқиб, фаолиятини тубдан такомиллаштириш зарурлиги айтиб ўтилди. Президентимиз ушбу марказнинг "Маънавият тарғиботчиси" ўқув муассасаси негизида Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институтини ташкил этиш таклифини билдирди.

Ҳақиқатан ҳам, ҳозирги пайтда маънавият тарғиботи билан ўнлаб ташкилотлар шуғулланади. Лекин улар фаолияти аниқ мувофиқлаштирилмаётир, ягона тизимга бирлашмаган. Оқибатда бир-бирини такрорлаш ҳолатлари мавжуд.

Айни сабабдан Республика Маънавият ва маърифат маркази барча ҳудудий кенгашларнинг, вазирлик, идора ҳамда ташкилотларнинг маънавий-маърифий фаолиятини мувофиқлаштириб бориши белгиланди. Шу асосда марказ ва унинг тизимидаги ташкилотлар моддий-техник таъминоти кескин кучайтирилади, илмий тадқиқот ҳамда тарғибот-ташвиқот йўналишидаги фаолияти қайта ташкил қилинади.

### Тарбияда танаффус бўлмайди

"Тарбияда танаффус бўлмайди", дейди халқимиз. Шукрки, бу масала доимий эътибор марказида. Мактаб, олий таълим, маҳалла — ҳар бир тизим мазкур йўналишда ўзаро ҳамкорлик асосида иш олиб боряпти. Эндиликда ҳар бир маҳаллага профессор-ўқитувчи ва таниқли зиёлилар бириктириладиган бўлди. Шунингдек, Тошкент шаҳар нуронийларининг тарбияси оғир, ишсиз ёшларга кўмаклашиш бўйича ташаббуси қўллаб-қувватланди. Ёшларни ватанпарварлик, миллий ифтихор руҳида тарбиялаш, бунинг учун тарихни яхши ўргатиш, мазкур йўналишдаги илмий тадқиқотларни кенгайтириш муҳимлиги қайд этилди.

***"Миллий тарихни халқимиз, айниқса, ёшларимизга миллий руҳда етказиш, уларнинг қалбига, шуурига сингдириш керак. Акс ҳолда унинг тарбиявий таъсири бўлмайди. Биз ёшларимизни тарихдан сабоқ олиш, хулоса чиқаришга ўргатишимиз, уларни тарих илми, тарихий тафаккур билан қуроллантиришимиз зарур"***, деди Президентимиз Шавкат Мирзиёев. Шу асосда мутасаддиларга Ўзбекистонда тарих фанини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш вазифаси юклатилди.

Бугун ҳаёт миллий "ақл марказлари"мизни шакллантиришни тақозо этмоқда. Афсуски, атрофимиздаги барча сиёсий-ижтимоий жараёнларни чуқур тушуниб, таъсирчан тилда етказиб берадиган таҳлилчи ва экспертларимиз жуда кам. Шу маънода, Маънавият ва маърифат, "Тараққиёт стратегияси", Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, ижтимоий-гуманитар йўналишдаги тадқиқот институтлари ҳақиқий "ақл марказлари"га айланиши — давр талаби.

Умуман, Президентимиз таъкидлаганидек, агар кимдир, маънавият масаласи — бу фақат Маънавият ва маърифат маркази ёки тегишли вазирлик ҳамда идораларнинг иши, деб ўйласа, хато қилади. Буларнинг барчаси олдимизда турган энг асосий, энг муҳим вазифалардан биридир.

Булардан қандай хулосалар келиб чиқади?

Аввало, эртанги кунимиз, тараққиётимиз инновацион билимларни пухта эгаллаган, инсон капитали юқори бўлган мутахассисларга боғлиқ. Юртимизда учинчи Ренессанс пойдеворини яратувчи куч — шулар!

Қолаверса, Ўзбекистонда кучли демократик жамият икки омил асосида шаклланади. Биринчиси — янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратилган, бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодиёт бўлса, иккинчиси — аждодларимизнинг бой мероси ва миллий қадриятларга асосланган кучли маънавият. Ҳар икки соҳанинг уйғунлашуви эса бизни тенглар ичра тенг мамлакатга айлантиради.



**Азамат МУХТОРОВ,**
**Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ижтимоий гуманитар фанлар кафедраси мудири, фалсафа фанлари доктори, профессор.**



**Турсунбой СУЛТОНОВ,**
**Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ижтимоий гуманитар фанлар кафедраси доценти, фалсафа фанлари номзоди.**

# ТАЖРИБАМИЗ ҲАМ, САЛОҲИЯТИМИЗ ҲАМ ЕТАДИ

## ҲАММА ГАП ИНТИЛИШДА



*Узумчилик боғдорчиликнинг энг муҳим тармоқларидан бири бўлиб, мамлакатнинг халқ хўжалигида салмоқли ўринни эгаллайди. Азалдан аждодларимиз узумчилик билан шуғулланиб келган, одамларимиз узум етиштиришнинг ҳадисини олган. Тойфи, ҳусайни, келинбармоқ ҳамда кишмиш каби узумларнинг довруғи бутун дунёга маълум ва машҳур.*

*Юртимизда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича катта салоҳият борлигини, ҳосилдор ерларимиз, деҳқончиликда суяги қотган одамларимиз кўплигини, бу қон-қонимизга сингиб кетганини инобатга олсак, узумчилик тармоғини кенгайтириш учун имкониятимиз нақадар кенг экани ойдинлашади.*

### Мушоҳада

Куни кеча давлатимиз раҳбари раислигида узум етиштириш, уни саноат усулида қайта ишлашни ривожлантириш ҳамда ҳудудларда энотуризмни йўлга қўйиш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилиши ниҳоятда долзарб аҳамиятга эга.

Айтиш керакки, йиғилишда соҳадаги муаммолар ҳамда олдинда турган вазифалар кенг муҳокама этилди. Албатта, тармоқ имкониятларидан тўғри фойдаланилса, нафақат мамлакат аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ва истеъмолчилар талабини етиштирилаётган мева-узум маҳсулотлари ҳисобига тўла қондириш, балки экспорт салоҳиятини ошириш имкони ҳам ортади. Бу иқтисодиётга ҳам фойда дегани. Шунинг учун ҳам боғдорчилик ҳамда узумчиликни жадал суръатларда ривожлантириш талаб қилинмоқда.

Маълум бўлишича, бугунги кунда юртимизда фермер хўжаликлари томонидан 90 минг гектар майдонда узум етиштирилмоқда. Бу тармоқда 900 минг аҳоли доимий ва мавсумий иш билан банд. Сўнгги тўрт йилда 52 минг гектар янги токзорлар ташкил этилиб, соҳага 210 миллиард сўм субсидиялар ажратилди. Шу давр мобайнида мева-сабзавотлар экспортида узумнинг улуши 2 баравар кўпайган.

Давлат раҳбари асосий мақсад одамларнинг иш ҳақини кўпайтириш эканини айтиб, шу ният билан 44 та туман узумчиликни ривожлантириш бўйича эксперимент сифатида танлаб олинганини маълум қилди.

Шунингдек, айрим ҳудудларда йирик токзорлар майдони сўнгги тўрт йилда 7 минг гектарга камайгани танқид қилинди. Тармоқда селекция ишлари деярли йўқ, ҳалигача 40 — 50 йил аввал яратилган узум навлари экиб келинмоқда. Токзорларни янгилашни рағбатлантириш тизими йўлга қўйилмаган. Кўчат етиштириш илмига ва технологиясига амал қилинмайди, кўчат касалликлари билан олимлар ҳам, ишлаб чиқарувчилар ҳам шуғулланмаслиги, ҳосилдорлик пасайиб, касаллик эса кун сайин кўпайиб бораётгани айтилди. Токзорларнинг атиги 38 фоизи интенсив усулда парваришланмоқда. Маҳаллий узумларимиз ҳосилдорлиги Осиёнинг бошқа давлатларига нисбатан 1,5-2 баравар кам. Қолаверса, юртимизда етиштириладиган узумлар аксарияти данакли бўлиб, жаҳон бозорида данаксиз узумга бўлган талаб кескин ортиб бораётгани қайд этилди.

Кўриниб турибдики, муаммолар талайгина, шунга яраша вазифаларимиз ҳам кўп. Маҳсулотлар сифатини, ҳосилдорлигини ошириш, бу борада экспорт салоҳиятини кўтариш кечиктириб бўлмайдиган масала. Мазкур тармоқни ривожлантириш, токзорларни кўпайтириш ва уларга ишлов бериш, суғоришда янги технологияларни жорий этиш учун тажрибамиз ҳам, салоҳиятимиз ҳам етади. Ҳамма гап интилишда.

Эътиборли томони, эндиликда ушбу тармоқ кенг кўламда ривожланади. Масалан, узум плантациялари учун субсидиялар ажратилади. Давлатимиз раҳбари энди янги токзорларни барпо қилиш, эски боғ ва узумзорларни янгилаш учун тизим жорий этилиши, бунда сертификатланган янги узум плантацияларининг ҳар бир гектарига 10 миллион сўмдан субсидия ажратилиши, шунингдек, кўчатчилик хўжаликлари ташкил қилинган майдонларнинг ҳар бир гектари учун ҳам субсидия бериш масаласи ҳақида маълум қилди.

Янги токзорлар учун бир дона артезиан қудуқ ёки насос станцияси қуришга ҳар 10 гектарга 120 миллион сўмгача субсидия берилади, яъни субсидия ажратиладиган майдон ҳажми 3 баробар камаяди (ҳозир энг кам майдон 35 гектар қилиб белгиланган). Сертификатланган узум плантацияларини ташкил этишни молиялаштириш учун банкларга 100 миллион доллар ресурс ажратилади. Бу Жаҳон банкининг қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш лойиҳаси (200 млн. доллар) доирасида молиялаштирилади.

Демак, узумчилик тармоғини кенгайтириш учун барча имконият ишга солинади, зарур шароитлар яратиб берилади. Соҳада молиявий қўллаб-қувватлаш механизмлари йўлга қўйилади.

Албатта, мамлакатимиз тупроқ-иқлим шароити ниҳоятда қулай. Мавжуд салоҳиятни тўлиқ ишга солиш шунга яраша даромад олишда катта аҳамиятга эга. Фақат ишлаб чиқарилаётган мева-узум маҳсулотлари ўсиб бораётган халқимиз ва хом ашёни қайта ишлаш саноати эҳтиёжини тўлиқ таъминлаш учун ҳали яна талайгина ишларни амалга оширишга тўғри келади.

Йиғилишда жаҳон бозорида хўраки узумга талаб ортиб бораётгани, майиз ва табиий вино маҳсулотлари ҳам харидоргир экани, шу боис бугун мамлакатда узумчиликни илғор тенденциялар асосида ривожлантириш зарурлиги алоҳида таъкидланди. Шундан келиб чиқиб, узум етиштиришда ҳам замонавий усулларни кенг жорий этиш, токзорлар маҳсулдор бўлиши учун биринчи навбатда оптимал шароит — яхши сув-ҳаво ва озуқа режимини яратиш, бунинг янгича технологияларини ўзлаштириш зарур, деб ўйлайман.

**Дилором ИМОМОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси аъзоси.**

### Анжуман

## Чет тилларни ўрганиш бўйича форум

*Олмалиқ шаҳрида "Маданий алмашинув ва чет тилларини ўрганиш" мавзуида илк Тошкент вилояти форуми ўтказилди.*

Халқ таълими вазири форум иштирокчиларига бугун мактабларда чет тилларини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ва режалаштирилаётган ишлар, чет тиллари ўқитувчиларининг салоҳиятини ошириш бўйича жорий этилаётган янгиликлар тўғрисида маълумот берди.

Форумда чет тилларини ўқитишнинг илғор усуллари, ўқитувчилар маҳорати ва салоҳиятини ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Тадбирда ҳокимлик ҳамда бир қатор хорижий ва маҳаллий тил ўргатиш ташкилотлари ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

**«Халқ сўзи».**

"Ўзбекистон миллий электр тармоқлари" акциядорлик жамияти Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бошқармаси бошлиғи
**Бозор ҲАЙДАРОВнинг**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ҳамда яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.



# ЯЙЛОВЛАР САМАРАДОРЛИГИ

## соҳага замонавийликни олиб кириш, жаҳонда бу борада эришилган ютуқлар ва синовдан ўтган халқаро тажрибани амалиётга татбиқ этишга боғлиқ

*Президентимиз томонидан 2021 йил 8 июлда имзоланган “Республикада мавжуд яйловлардан унумли фойдаланиш, ипак ва жунни қайта ишлашни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорга мувофиқ, “Қоракўлчилик” уюшмаси “Яйлов хўжалигини ривожлантириш” уюшмаси деб қайта номланди.*

*Ушбу ҳужжат мазмун-моҳияти яйлов хўжалиги ҳамда яйлов чорвачилигини тубдан ислоҳ қилиш, соҳа самарадорлигини оширишга йўғрилгани боис чорвадор халқимиз, мутахассислар томонидан катта хурсандчилик билан қарши олинди. Гап шундаки, Ўзбекистоннинг қарийб 50 фоиз ер майдонини эгаллаган табиий яйловлар ва улардан фойдаланиш тизимини назорат қилувчи ҳамда тартибга солувчиси, яъни соҳанинг ҳақиқий эгаси пайдо бўлди.*

### Муносабат

Очиғи, бугун чўл-яйлов чорвачилиги ва унинг асосий ем-хашак базаси бўлган бепоён яйлов майдонлари эътиборга ҳар қачонгидан ҳам муҳтож. Мутахассисларнинг фикрича, мамлакатимиз яйловларининг 50 — 70 фоизи турли даражада инқирозга учраган миллионлаб гектар яйлов майдонларида табиий ем-хашак ўсимликлари бутунлай йўқолиш арафасида, ҳосилдорлик бир неча баробар пасайган. Ана шундай мураккаб пайтда мавжуд муаммолар ечимига қаратилган ушбу қарорнинг қабул қилингани айни муддао бўлди. Бинобарин, унда яйловлар ҳосилдорлигини ошириш, яйлов ўсимликлари уруғчилигини йўлга қўйиш, республика ҳудудларининг табиий-иқлим шароитларига мос келадиган озуқабоп ўсимликлар етиштиришни ташкил этиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Ҳар нарсанинг меъёри бўлгани каби яйловларда боқиладиган чорва молларининг ҳам белгиланган сони, миқдори бор. Афсуски, бугун яйловлардаги қўйлар сони мумкин бўлган меъёрдан бир неча карра ортиб кетган. Бу эса яйловларда кузатилаётган инқирознинг бош сабабидир. Ушбу масаланинг ягона ҳамда қонуний ечими — яйлов тизими тараққий этган бошқа давлатларда бўлгани каби ҳар бир бош мол учун солиқ тўлаш тизимини жорий қилиш. Ана шунда яйловлардаги мол сони меъёрга келади ва яйловлар ҳолати яхшиланади.

Шак-шубҳасиз, бунга кўпчилик “Ота-боболаримиз шу ерда сурув-сурув қўй боқиб келган, биз нега боқмаслигимиз ёки солиқ тўлашимиз керак” каби иддао қилиши тайин. Айнан шуларга қарата айтмоқчимизки, илгариги даврда ҳам яйлов учун бир эмас, икки ҳисса ҳақ тўланган. Ўтган асргача мавжуд бўлган элбеги лавозимидагилар яйловлардаги мол сонини ҳисобга олиб, шу асосда чорвадан закот солиғи ва яйлов учун хас пули йиғиб, давлат ғазнасига топширган.

Таъкидлаш керак, яйловлар бошқаруви тизимида шунга ўхшаш қатор муаммолар секин-аста ўз ечимини топмоқда. Буларни ҳал қилишда сўнгги 2-3 йилда яйловларни бошқаришнинг қонуний асос ҳамда нормалари ишлаб чиқилгани қўл келмоқда. 2020 йил 2 сентябдаги “Ўзбекистон Республикасида пиллачилик ва қоракўлчиликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент Фармони эса навбатдаги стратегик қадам бўлди. Унга кўра 2021 йил 1 июлга қадар яйловларга эга барча ҳудудда бугун ўз самарасини кўрсатаётган кластер тизими, яъни қоракўлчилик кластерларининг ташкил этилиши белгилаб қўйилди. Яйлов чорвачилигидаги мазкур янги кластерлар зиммасига сўнгги 25 — 30 йилда эътибордан бутунлай четда қолган қатор муаммоларни, жумладан, тери ҳамда жунни қайта ишлаш масалаларини ҳал қилиш, уларни қайта ишлайдиган корхоналар ташкил этиш вазифаси юклатилди.

Қоракўлчиликнинг барқарор ривожланишида табиий ем-хашак бирламчи омилдир, бусиз унинг келажаги йўқ. Галдаги муҳим вазифа — яйловларда озуқа базасини яратган ҳолда қоракўлчиликни ташкил этиш ҳисобланади. Бу Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитаси олдида турган энг мураккаб вазифалардан бири саналади. Сабаби қарийб 10 миллон гектар яйловларимизнинг табиий озуқа захираси қўлдан бой берилган. Айниқса, яримчўл ҳудудларда йил давомида фойдаланилиши мумкин бўлган яйловлар қисқа муддатли яйловларга айланган. Бунчалик катта майдонни, кўпчилик ўйлагани каби маълум бир ўсимликларни экиш орқали тиклашимиз, мамлакат даражасида озуқа базасини яратишимиз даргумон. Бу иқтисодий жиҳатдан ҳам, экологик жиҳатдан ўзини тўла оқламайди. Қолаверса, бугунги халқаро экологик талабларга ҳам жавоб бермайди. Бундан ташқари, қолган 11 миллион гектар яйловларнинг бугунги аҳволи, хўжалик потенциали ҳам номаълум. Бу масалани ҳал қилишнинг ягона ҳамда тўғри йўли — соҳага замонавий илмни олиб кириш, жаҳонда яйлов соҳасида эришилган илғор ютуқлар ва синовдан ўтган халқаро тажрибаларни амалиётга татбиқ этишдир.

Ер шари қуруқлигининг 1/3 қисмини эгаллайдиган яйловлар сўнгги 100 йил давомида олим ва мутахассислар эътиборида. Чунки 80 — 100 йиллар олдин АҚШ, Исландия, Хитой, Мўғулистон, Жанубий Африка ҳамда бошқа бир қатор мамлакатлар “табиий ресурслар чексиз” деган тушунча билан яйловлардан манфаат илинжида беаёв фойдаланган, мол сони ҳаддан зиёд кўпайиб кетган, яйлов инқирози ҳалокатли оқибатларга олиб келган. Бугунги кунга келиб, йўл қўйилган бу хатолар илмий асосланган ёндашувлар асосида тузатилган.

**Айтиш жоизки, 20 — 30 йилда дунё яйлов илми ва таълими янги “яшил босқич”га кўтарилди. Яйловлардан оқилона фойдаланиш, яйлов экотизимлари барқарорлигини таъминлаш ҳамда инқирозга учраган майдонларни қайта тиклашнинг экологик концепциялари ишлаб чиқилиб, тизимли равишда ҳаётга татбиқ этилмоқда. Бу каби синовдан ўтган тажрибалар бизнинг яйловларимизни ҳам асрашда, улардан оқилона фойдаланишда катта самара беради. Айнан шу мақсадда Самарқанд давлат университети профессор-ўқитувчилари ва ёш олимлари АҚШ, Исландия ҳамда Хитой каби яйлов илми ривожланган давлатларнинг етакчи олий таълим муассасалари ва илмий марказлари билан яқин алоқаларни ўрнатган. Хусусан, АҚШнинг Юта давлат университети ҳамда Невада (Рено) университети, Исландиянинг ЮНЕСКО мақомидаги GRO-LRT халқаро маркази, Хитой Фанлар академияси олимлари билан яйлов экотизимларини ўрганиш ва уларни қайта тиклашда янги замонавий усулларни татбиқ этиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда.**

Бинобарин, мамлакатимиз яйловларининг ҳозирги ҳолатини, инқирозга учраганлик даражаси ва хўжалик потенциалини замонавий усуллар ёрдамида аниқлаш, инқирозга учраган яйловларни қайта тиклашнинг экологик барқарор ҳамда иқтисодий самарали усулларини ишлаб чиқиш кечиктириб бўлмас вазифалардан саналади. Бу юмушларни амалга оширишда, албатта, кўп сонли малакали мутахассислар, яйловшунос-геоботаниклар жалб қилиниши зарур. Афсуски, бу соҳада ҳам кадрлар етишмовчилиги муаммоси мавжуд. Юртимиз олий таълим тизимида замонавий дастурлар асосида яйловшунос ва геоботаник кадрлар тайёрлаш тизими йўлга қўйилмаган. Шу сабабли мамлакатимизда яйлов соҳасидаги туб ислоҳотлар даврининг илк босқичиданоқ етук яйловшунос-геоботаник мутахассисларни тайёрлашга устувор вазифа сифатида қаралиши лозим.

Унутмаслик керакки, биз учун нафақат яйловлардан келадиган иқтисодий фойда, балки уларнинг экологик ва ижтимоий функцияси ҳам ўта муҳим. Зеро, яқин ўтмишда моддий манфаат йўлида йўқотганларимиз бугун тикланмаяпти. Шу боис тақдирини чорвачилик билан боғлаган халқимиз илмга асосланган янгича механизмлар ҳамда халқчил дастурлар ҳаётга татбиқ этилаётганидан, яйловлар маҳсулдорлигини ошириш, яйлов хўжалигини ривожлантириш бўйича ҳужжатлар қабул қилинаётганидан хурсанд. Чунки улар асосида йўлга қўйилаётган янги тизим ҳамда ёндашувлар соҳа вакилларида катта умид ва ишонч уйғотмоқда.



**Тошпўлат РАЖАБОВ,**
**Самарқанд давлат университети агробиотехнологиялар ва озиқ-овқат хавфсизлиги факультети декани.**

### Биз ва жаҳон

*Ўзбекистонлик бир гуруҳ ҳунармандлар 7 — 18 июль кунлари Санта-Фе (Нью-Мехико) шаҳрида ўтказилаётган “Халқаро халқ амалий санъати бозори” фестивалида иштирок этмоқда.*

## Ўзбекистон ҳунармандлари йирик халқаро фестивалда иштирок этмоқда

Мамлакатимизнинг Америка Қўшма Штатларидаги элчихонасидан маълум қилинишича, Ўзбекистон вакиллари дунёнинг 60 мамлакатидан келган 150 дан ортиқ ҳунармандларни бирлаштирган ушбу ярмаркада мунтазам қатнашиб келади. Фестиваль давомида қарийб 3 миллион долларлик халқ амалий санъати маҳсулотлари харид қилинади. Бу борада Ўзбекистон вакиллари ҳар йили етакчи бўлиб, улар фестиваль чоғида 250 — 500 минг долларгача ўз маҳсулотларини сотишади.

Бу йилги фестивалда энг катта делегациялардан бири ўзбекистонлик ҳунармандлар гуруҳи бўлди. Унинг таркибида 20 дан ортиқ ҳунармандлар, жумладан, машҳур тўқувчилар Гулнора Одилова, Фатхулло Кенжаев раҳбарлигидаги гилам усталари ва бошқалар жой олган.

Ҳунармандларимиз фестивалнинг 6 та стендида анъанавий санъат намуналарини, хусусан, Бухоро, Самарқанд ва бошқа шаҳарларимизнинг дунёга машҳур санъат мактаблари вакиллари томонидан тўқилган ипак ва жун гиламлар, анъанавий матолардан тайёрланган кийим-кечак ҳамда бошқа маҳсулотларни намойиш этмоқда.

Ташкилотчилар ва фестиваль меҳмонлари Ўзбекистон амалий санъатининг бетакрорлиги, нафислиги ҳамда ранг-баранглигини юксак баҳолаётир. Ўзбек ҳунармандлари томонидан яратилган маҳсулотлар халқ ижодиёти мухлислари ўртасида ҳам катта қизиқишга сабаб бўлмоқда. Ўзбекистонлик маҳоратли усталар яратган буюмлар ва асарлар халқимизнинг бой маданий мероси ҳамда тарихий анъаналарини ўзида мужассам қилган, шунингдек, бетакрор миллий маданият ва замонавийлик уйғунлигини яққол намоён этади.

**«Дунё» АА.**

ЭЪЛОН

## Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилотининг Тошкент шаҳар кенгаши ўз тасарруфидаги қуйидаги ташкилотлар тугатилишини эълон қилади:

| № | Ташкилотнинг тўлиқ номи | Ташкилотнинг қисқартирилган номи | Ташкилот жойлашган ҳудуд (почта манзили) | Рўйхатдан ўтказилган санаси ва рўйхатдан ўтказувчи орган тўғрисидаги маълумотлар (номи ва манзили) | Тугатиш тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақидаги маълумотлар (санаси, тартиб рақами) |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилотининг Бектемир тумани ташкилоти | Бектемир тумани “Ватанпарвар” ташкилоти | Тошкент шаҳри , 100104 | Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан 2016 йил 30 майда 772п-сон билан ҳисобга қўйилган, Тошкент шаҳар, Бектемир тумани, Ҳусайн Байқаро кўчаси, 51-уй | “Ватанпарвар” ташкилоти Тошкент шаҳар кенгашининг 2021 йил 8 июлдаги 22.б.1-сонли ҳайъат қарори билан тугатилди |
| 2. | Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилотининг Мирзо Улуғбек тумани ташкилоти | Мирзо Улуғбек тумани “Ватанпарвар” ташкилоти | Тошкент шаҳри, 100201 | Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан 2016 йил 30 майда 766п-сон билан ҳисобга қўйилган, Мирзо Улуғбек тумани, А.Югнакий кўчаси, 45-“А” уй | “Ватанпарвар” ташкилоти Тошкент шаҳар кенгашининг 2021 йил 8 июлдаги 22.б.1-сонли ҳайъат қарори билан тугатилди |
| 3. | Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилотининг Мирobod тумани ташкилоти | Миробод тумани “Ватанпарвар” ташкилоти | Тошкент шаҳри, 100005 | Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан 2016 йил 30 майда 771п-сон билан ҳисобга қўйилган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Учкўприк кўчаси, 20-уй | “Ватанпарвар” ташкилоти Тошкент шаҳар кенгашининг 2021 йил 8 июлдаги 22.б.1-сонли ҳайъат қарори билан тугатилди |
| 4. | Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилотининг Олмазор тумани ташкилоти | Олмазор тумани “Ватанпарвар” ташкилоти | Тошкент шаҳри, 100179 | Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан 2016 йил 30 майда 768п-сон билан ҳисобга қўйилган, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қора қамиш-2 кўчаси, 6-уй | “Ватанпарвар” ташкилоти Тошкент шаҳар кенгашининг 2021 йил 8 июлдаги 22.б.1-сонли ҳайъат қарори билан тугатилди |
| 5. | Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилотининг Сергели тумани ташкилоти | Сергели тумани “Ватанпарвар” ташкилоти | Тошкент шаҳри, 100115 | Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан 2016 йил 30 майда 769п-сон билан ҳисобга қўйилган, Тошкент шаҳри, Сергели тумани,Суғдиёна кўчаси, 4-“А” уй | “Ватанпарвар” ташкилоти Тошкент шаҳар кенгашининг 2021 йил 8 июлдаги 22.б.1-сонли ҳайъат қарори билан тугатилди |
| 6. | Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилотининг Учтепа тумани ташкилоти | Учтепа тумани “Ватанпарвар” ташкилоти | Тошкент шаҳри, 100171 | Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан 2016 йил 30 майда 767п-сон билан ҳисобга қўйилган, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Чакмоний кўчаси, 19-“А” уй | “Ватанпарвар” ташкилоти Тошкент шаҳар кенгашининг 2021 йил 8 июлдаги 22.б.1-сонли ҳайъат қарори билан тугатилди |
| 7. | Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилотининг Яшнобод тумани ташкилоти | Яшнобод тумани “Ватанпарвар” ташкилоти | Тошкент шаҳри, 100073 | Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан 2016 йил 30 майда 773п-сон билан ҳисобга қўйилган, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Фарғона йўли 8-берк кўчаси, 11-уй | “Ватанпарвар” ташкилоти Тошкент шаҳар кенгашининг 2021 йил 8 июлдаги 22.б.1-сонли ҳайъат қарори билан тугатилди |
| 8. | Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилотининг Чилонзор тумани ташкилоти | Чилонзор тумани “Ватанпарвар” ташкилоти | Тошкент шаҳри, 100115 | Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан 2016 йил 30 майда 774п-сон билан ҳисобга қўйилган Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Арнасой кўчаси, 1-“А” уй | “Ватанпарвар” ташкилоти Тошкент шаҳар кенгашининг 2021 йил 8 июлдаги 22.б.1-сонли ҳайъат қарори билан тугатилди |
| 9. | Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилотининг Шайхонтоҳур тумани ташкилоти | Шайхонтоҳур тумани “Ватанпарвар” ташкилоти | Тошкент шаҳри, 100005 | Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан 2016 йил 30 майда 775п-сон билан ҳисобга қўйилган, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Беруний кўчаси, 6-уй | “Ватанпарвар” ташкилоти Тошкент шаҳар кенгашининг 2021 йил 8 июлдаги 22.б.1-сонли ҳайъат қарори билан тугатилди |
| 10. | Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилотининг Юнусобод тумани ташкилоти | Юнусобод тумани “Ватанпарвар” ташкилоти | Тошкент шаҳри, 100117 | Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан 2016 йил 30 майда 770п-сон билан ҳисобга қўйилган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Хуршид кўчаси, 86-“А” уй | “Ватанпарвар” ташкилоти Тошкент шаҳар кенгашининг 2021 йил 8 июлдаги 22.б.1-сонли ҳайъат қарори билан тугатилди |
| 11. | Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилотининг Яккасарой тумани ташкилоти | Яккасарой тумани “Ватанпарвар” ташкилоти | Тошкент шаҳри, 100005 | Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан 2016 йил 30 майда 765п-сон билан ҳисобга қўйилган, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Фарҳод кўчаси, 6-“А” уй. | “Ватанпарвар” ташкилоти Тошкент шаҳар кенгашининг 2021 йил 8 июлдаги 22.б.1-сонли ҳайъат қарори билан тугатилди |


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 748. 30 730 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 01.05 Топширилди — 01.30 1 2 3 4 5 6